

**“ЎЗБЕКИНВЕСТ” ЭКСПОРТ-ИМПОРТ
СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**«ЎЗБЕКИНВЕСТ ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ВА УНИНГ ФИЛИАЛЛАРИДА
КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ
УСЛУБИЁТИ**

2023 й. «28» декабрь

Код: RD-GK 40-02

Тошкент ш.

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ ва унинг филиалларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услуги	RD-GK 40-02
GK 40		10 varaqdan 3-sahifa Sana: 02.10.2023 y.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ
Бош директори
Р. Азимов
«28» декабрь 2023 й.

**«ЎЗБЕКИНВЕСТ ЭКСПОРТ-ИМПОРТ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИВА УНИНГ ФИЛИАЛЛАРИДА
КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ
УСЛУБИЁТИ**

1 - БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Услубиёт "Ўзбекинвест ЭИСК" АЖ ва унинг филиалларида (кейинги ўринларда Компания) юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келиб чиқадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича коидаларни белгилаб беради ҳамда Компанияда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2-БОБ. ҚўЛЛАШ СОҲАСИ

2.1. Ушбу Услубиёт талаблари «Ўзбекинвест» ЭИСК Жнинг Марказий аппарати, барча таркибий тузилмалар, ҳудудий филиаллари ҳамда «Ўзбекинвест Ассистанс» МЧЖга татбиқ қилинади.

3-БОБ. ТАЪРИФЛАР

3.1. Ушбу Услубиётнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

хавф-хатар - коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чораларни қабул қилингандан сўнг қолувчи хавф-хатар (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсатни ва тартиб-таомилларни, хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ва жорий этилган назоратларни ҳисобга олган ҳолда);

коррупциявий хавф-хатар - ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Компания номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш - Компания томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси - Компаниядаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва компания функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар)

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ ва унинг филиалларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услугиёти	RD-GK 40-02
GK 40		10 varaqdan 4-sahifa Sana: 02.10.2023 y.

таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи бирлашган ҳужжат;

коррупциявий ҳаракатлар -ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар оркали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, кимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш; тартиб-тамойил – Компания функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага қаратилган, ёхуд маълум бир функциянинг ажралмас элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йиғиндиси;

функция - бир нечта тартиб-тамойилни ўз ичига олиши мумкин бўлган компаниянинг ички жараён (фаолият йўналишлари)ларидан бири;

эксперт фикри - аниқ факт ёки ҳодиса бўйича ходим ёки бўлинманинг субъектив қараши ёки фикрига асосланган қарори.

ўзига хос ҳавф-хатар – Компания фаолияти ва амалга ошириладиган функциялари спецификасидан келиб чиқадиган ҳавф-хатари, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳисобга олинмаган ҳолда (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-таомиллари, хавф-хатарларни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратлар ҳисобга олинмаган ҳолда);

филиал ёки таркибий бўлинманинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси – Компания филиаллари ёки таркибий бўлинмасидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳамда орган ёки муассаса функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий руйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эхтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

3.2. Бундан кейин Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиладиган бўлса, ушбу услугиёт сўз юритилаётган ўзгартишларга мувофиқлаштирилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган даражада амал қилади.

4 - БОБ. НОРМАТИВ ҲАВОЛАЛАР

Мазкур Низомни ишлаб чиқишда қуйидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалардан фойдаланилган:

4.1. 2008 йил 28 августдан кучга кирган Бирлашган Миллатлар ташкилотининг "Коррупцияга қарши" Конвенцияси.

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ ва унинг филиалларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услуги	RD-GK 40-02
GK 40		10 varaqdan 5-sahifa Sana: 02.10.2023 y.

4.2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги.

4.4. 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон "Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонлари.

4.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сонли "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги"ги Фармони.

4.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

4.7. 180 37001:2016 "Коррупцияга қарши кураш менежменти тизими - Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар" халқаро стандарти.

5 - БОБ. КОМПАНИЯДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ-ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ МАҚСАДИ, АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

5.1. Компания фаолиятини комплекс таҳдид қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;
-коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

5.2. Компаниядаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйдагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутати:

-Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси (йул харитаси);

-Компанияда, коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

5.3. Компаниядаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қуйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

-коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

-Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

-функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Компаниянинг ички ҳужжатлари ўзгариши;

-Компания тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

-Компания функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши.

5.4. Ушбу Услугида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

-Компаниядаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент томонидан Компания Бош директориға ёки шу йўналишга масъул ўринбосари топшириғи асосида амалга оширилади. Компания Бош директори ёки шу йўналишга масъул ўринбосари топшириғида баҳолашни ўтказиш аниқ муддатлари кўрсатилади.

5.5. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Департаменти қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ ва унинг филиалларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услуги	RD-GK 40-02
GK 40		10 varaqdan 6-sahifa Sana: 02.10.2023 y.

-Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларни жалб қилган ҳолда, хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради;

-Компанияда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

-Компаниядаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул бўлган Департамент ходимлари Бош компания ходимлари ва филиал ходимларига мазкур Услубиётда кўзда тутилган тартибга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

-Бош компания таркибий бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул Бош директор ўринбосари билан келишади;

-Бош компания ва унинг филиалларининг коррупциявий хавф-хатарлари харитасини Компаниянинг коррупциявий хавф-хатарларининг бирлашган харитасига умумлаштиради;

-Компания Бош директорига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тақдим этади;

-тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси асосида филиаллар бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

-Бош компаниянинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқади ва Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул Компания Бош директорининг ўринбосари билан келишади;

-Бош компания ва филиалларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури асосида Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқади;

-Компанияда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чоратadbирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қилади;

-ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

5.6. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

-филиалларда коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланишини ташкил қилади ва ўтказди;

-филиалларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан назоратни амалга оширади;

-филиалларнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини (йўл харитаси) тузади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

-филиалларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларини ишлаб чиқади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

-филиалларда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чоратadbирларини амалга оширишни мувофиқлаштиради ва назорат қилади.

5.7. Ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар зарур ҳолларда филиал ходимларидан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

6- БОБ.КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ ДАСТЛАБКИ БАҲОЛАШ

6.1. Компанияда коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёни тегишли буйруқлар ва уларда кўрсатилган муддатлар асосида амалга оширилади.

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ ва унинг филиалларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услугиёти	RD-GK 40-02
GK 40		10 varaqdan 7-sahifa Sana: 02.10.2023 y.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолашнинг умумий муддати 3 ойдан ошмаслиги лозим.

6.2. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини дастлабки баҳолаш ва тегишли функциялар доирасида Компания ходимлари томонидан амалга ошириладиган айрим тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

6.3. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш, пастдан (компания таркибий тузилма ва филиаллардан), мазкур бобнинг 12-21 бандларида кўрсатилган тартиб ва кетма-кетликда амалга оширилади.

6.4. Департамент ушбу Услугиётига 1-иловада келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича Компаниянинг таркибий тузилмалари ва филиалларига кўрсатма юборилишини таъминлайди.

Кўрсатмада тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини Департаментга тақдим этиш муддатлари кўрсатилиб, бу муддат йигирма беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

6.5. Компаниянинг таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилиб, Департаментга ягона Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш мақсадида киритилади. Бош компания таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Департамент томонидан Компаниянинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул Компания Бош директори ўринбосари билан келишилади.

6.6. Бош компания ва филиаллари томонидан ишлаб чиқилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига оид саволлар юзага келган тақдирда, Департамент ходимлари тегишли таркибий бўлинмага изох бериш ёки харитага тузатиш киритиш учун сўров юборади. Бунда, сўровга жавоб сўров олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда юборилиши лозим.

Департамент ходимлари ўз экспертлик фикрига таянган ҳолда Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

Бош компания ва филиалларнинг коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида департамент Компаниянинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини ишлаб чиқади.

Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тузиш муддати, Бош компания ва филиалларнинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси тасдиқланган санадан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

6.7. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси Департамент тақдимномасига асосан Компания Бош директори томонидан тасдиқланади.

6.8. Қолдик коррупциявий хавф-хатарнинг юқори даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Департамент ушбу Услугиётининг 2-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

6.9. Компаниянинг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Департамент тақдимномасига асосан Компания Бош директори ва филиал директорлари томонидан тасдиқланади.

6.10. Департамент томонидан тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида белгиланган чора-тадбирларга асосан филиалларнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ушбу Услугиётнинг 3-иловасига мувофиқ Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси тасдиқланган санадан ўн иш куни ичида ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ ва унинг филиалларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услуги	RD-GK 40-02
GK 40		10 varaqdan 8-sahifa Sana: 02.10.2023 y.

Филиалларнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури Департамент билан келишилгандан сўнг тегишли филиал директорлари томонидан тасдиқланади.

6.11. Компаниянинг Коррупцияга қарши курашиш дастури Марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини инobatга олган ҳолда Департамент томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Компания Бош директори томонидан тасдиқланади.

7-БОБ. КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИНГ КЕЙИНГИ (ҲАР ЙИЛЛИК) БАҲОЛАНИШИ

7.1. Компанияда коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳолаши доимий равишда, бир йилда камида бир марта, қоида тариқасида йил бошида Компания Бош директорининг тегишли буйруғи асосида ўтказилади.

Кейинги (хар йиллик) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

Йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ушбу услугининг 2-бобида курсатилган коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш тартибида амалга оширилади.

Хар йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бошланишидан олдин Департамент Бош компания таркибий бўлинма раҳбарлари ва филиал директорларига олдинги баҳолаш даврига нисбатан қонунчиликда ёки Компания ички идоравий ҳужжатларига киритилган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ушбу Услугига 4-иловага мос шаклда Сўровнома юборади.

Департамент Бош компания таркибий бўлинма раҳбарлари ва филиал директорлари томонидан тўлдирилган Сўровномаларни йиғди, таҳлил қилади.

8-БОБ. КОМПАНИЯДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ФУНКЦИЯЛАР ВА ТАРТИБ-ТАМОЙИЛЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАР ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташқи ва ички ахборот манбаларидаги маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

Компаниянинг функцияларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатлари (мисол учун, таркибий бўлинмалар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тўғрисидаги низомлар ва х.к.);

ички текширувлар материаллари, шу билан бирга хизмат текширувлари материаллари;

ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари;

одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишлари натижалари;

манфаатдор томонлар, давлат хизмати олувчилар, экспертлар ва бошқа манфаатдор шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича Компаниянинг ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид мурожаатлар;

Компания фаолиятидаги ҳуқуқбузарликларга оид статистик маълумотлар;

коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

Компания ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида ОАВдаги маълумотлар;

ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ ва унинг филиалларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услуги	RD-GK 40-02
GK 40		10 varaqdan 9-sahifa Sana: 02.10.2023 y.

-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жиноят ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

8.2. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида Компаниянинг ҳар бир функцияси ва тартиб-тамойили бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этилиши имкониятлар борлиги бўйича таҳлил қилиш лозим.

Ҳар бир функция қуйидаги шкала бўйича баҳоланади: Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил булган функция; Коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил булган функция.

Ўрганилаётган функция доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларнинг ўзига хос хавф-хатарини баҳолаш қуйидаги мезонларга кўра амалга оширилади:

-ўзига хос юкори хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

-ўзига хос ўрта хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

-ўзига хос паст хавф-хатарлар кўзда тутилмаган ва Департаментнинг асосли хулосаси асосида истисно тариқасида қўлланилиши мумкин.

8.3. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарли ходисани амалга ошишининг эҳтимоли (мазкур Услугининг 5-илоvasи 5.1 жадвалдаги мезонларга қаранг) ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражаси (мазкур Услугининг 5-илоvasи 5.2 жадвалидаги мезонларга қаранг) ни ҳисобга олган ҳолда хавф-хатарлар аҳамиятлилик шаклидан фойдаланиб амалга оширилади (мазкур Услуги 5-илоvasидаги 5.1 расм).

9-БОБ. КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРНИНГ ҚОЛДИҚ ДАРАЖАСИНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ

9.1. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларни белгилашда:

-ҳар бир чора Компания ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш билан алоқасини тушуниши учун аниқ ва равшан ифода этилиши;

-ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаб олиниши зарур.

9.2. Компаниянинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритилган, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари Компаниянинг Коррупцияга қарши курашиш дастурларига ҳам киритилади (мазкур Услугининг 6-илоvasи).

9.3. Компаниядаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат, Департамент томонидан амалга оширилади.

10-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Зарурат бўлганда, Компаниянинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Департаменти томонидан Компания раҳбарига таклифлар киритилади.

UZBEKINVEST	«Ўзбекинвест ЭИСК» АЖ ва унинг филиалларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услуги	RD-GK 40-02
GK 40		10 varaqdan 10-sahifa Sana: 02.10.2023 y.

Мазкур Услубиётга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уни ўз кучини йўқотган деб топиш Компания Бош директори қарорига асосан амалга оширилади.

11-БОБ. ЖАВОБГАРЛИК

11.1. Ушбу низомни актуаллаштиришга коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти бош менежери масъул ҳисобланади.

Хужжат текширилганлиги тўғрисидаги маълумотлар

№	Киритилган сана	Узайтириш/ Қайта кўриб чиқиш/Бекор қилиш	Ўзув эгасининг лавозими	Имзо	Ф.И.Ш.

Киритилди:

Коррупцияга қарши ички назорат ва хавфсизликни таъминлаш департаменти Бош менежери

 А. Ғ. Абдуллаев

Келишилди:

Бош директор биринчи ўринбосари

 Р. Халиков

Юридик департаменти бошлиғи

 Б. Юсупов

Стратегик ривожлантириш ва сифатни бошқариш департаменти Бош менежери

 А. Р. Абдуллаев

Ходимлар билан ишлаш департаменти Бош менежери

 Ш. Арипходжаева